Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 ноябрь, сешанба. №139. (21.902) Сотувда эркин нархда.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР



СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон заминидаги учрашувлар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

11 ноябрь куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Покистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бош вазир Беназир Бхутто хонимга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Покистон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Ислом Каримов ва Беназир Бхутто ўзаро қисқа мулоқотда бўлдилар. Мамлакатимиз Президенти олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлади.

Ислом Каримов ва Беназир Бхутто маҳаллий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар, уларнинг бўлажак музокаралар мавзуси ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар.

— Учрашувимиздан асосий мақсад — минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қўшни Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушини тўхтатиш ва Афғонистонни тинч, барқарор ўлкага айланишига кўмаклашиш, шу билан бирга, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги коммуникация ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги масалаларни муҳокама этишдир, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Беназир Бухутто Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ўрни алоҳида эканини қайд этиб, қўшни Афғонистондаги нотинч вазиятни барқарорлаштириш масаласида Ўзбекистон билан Покистоннинг қарашлари муштарак эканини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти саройида Беназир Бхутто ва Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди. Унда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Маълумки, Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан ўтказилган Бош Ассамблеянинг тантанали йиғилишида нутқ сўзлаб, Афғонистонда давом этаётган уруш нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турганини таъкидлаган, бу ердаги кескинликнинг олдини олиш учун, даставвал, ташқи кучлар аралашувини бартараф этиш ҳамда бу мамлакатга қурол олиб киришни таъқиқлаш ҳақида таклиф айтган эди. Покистон Ислом Республикаси ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга мазкур расмий амалий ташрифини Президент Ислом Каримовнинг ана шу долзарб нутқи акс-садоси дея баҳолаш мумкин. Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этишдан бутун Марказий Осиё республикалари, шунингдек Покистон ҳам манфаатдордир. Чунки, «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бежиз айтилмаган. Қолаверса, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши минтақадаги хавфсизликни таъминлаш билан бирга қўшни давлатларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Шу маънода, Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга мазкур ташрифи катта аҳамият касб этди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон билан Покистон ўртасида иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистон Республикасига расмий амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди.

Аэропортда Покистон Ислом Республикаси ҳукумати раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиш маросимида Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх ҳозир бўлди.

Шуҳрат УМИРОВ,
(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТ 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни уюштириш тўғрисида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти қарорида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида баён этилган масалалар ва олға сурилган ғоялар нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатлари халқлари, қолаверса, бутун тинчликсевар жаҳон ҳамжамияти учун катта аҳамиятга эгадир. Уларни ҳар томонлама ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишнинг назарий ва амалий фойдаси шубҳасиз.

Ушбуни ҳисобга олиб, Котибият барча бошланғич партия ташкилотларига мамлакатимиз Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқини ХДП аъзолари томонидан ўрганишни ҳамда унинг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли турли қатламлари ўртасида кенг тарғиб этишни уюштириш тўғрисида тавсия берди.

Партиямизнинг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари бу ишда бошланғич партия ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатишлари керак.

МК Котибияти юртбошимизнинг мазкур нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганишнинг Тахминий режаси ва унда олға сурилган ғояларни аҳоли барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб этишга доир маъруза, суҳбат, мулоқот ҳамда илмий-амалий анжуманлар мавзуларининг Намунавий рўйхатини маъқуллади (Улар газетанинг 2-бетида эълон қилинмоқда).

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига Тахминий режа ва мавзулар Намунавий рўйхатини эълон қилиш топширилди. Уларга ҳамда «Мулоқот» журнали таҳририятига, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг минтақавий ва умумжаҳон сиёсий барқарорлигига эришиш, тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш, долзарб умумбашарий муаммоларни ҳал этишда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини оширишга қаратилган таклифлари, ҳукуматимизнинг ташқи фаолиятини ҳар томонлама тарғиб этувчи мақолалар, мусоҳабалар, лавҳа ва хабарларни мунтазам бериб бориш таклиф этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ТАҲЛИЛ, ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

11 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар, мазкур қўмитанинг жойлардаги бошқармалари вакиллари қатнашди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси амалга ошириши лозим бўлган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида амалга оширилаётган ишларни вилоятлар, туманлар, айрим корхоналар мисолида аниқ далил ва рақамлар билан атрофлича таҳлил этди.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотнинг иккинчи босқичига катта тайёргарлик ва етарли имкониятлар билан кириб келди, — дейилди мажлисда . — Ислоҳотнинг дастлабки босқичида саноатда, халқ хўжалигида ва умуман барча соҳаларда сезиларли силжишлар кўзга ташланди. Аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тамойиллари ҳаётимизга чуқур кириб бораётганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлатга қарашли бўлмаган секторнинг устивор ўринда экани фикримизнинг яқол далилидир. Ғалла ва нефть мустақиллигини таъминлаш йўлида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Натижада 1996 йилда нефть мустақиллигига эришишни белгилаган бўлсак-да, аслида жорий йилданоқ нефть маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлашга эришдик. Ғалла мустақиллиги жабҳасида ҳам залворли ишлар қилинди. Хусусан, сўнгги йилларда ғалла майдонлари кескин кўпайди. Шунингдек, ҳар гектар ердан олинадиган дон миқдорини ошириш масаласига ҳам эътибор кучаймоқда. Мамлакатда пулнинг қадрсизланиши кескин камайди. Миллий валютамизнинг эркин алмашувини таъминлаш борасидаги ибратли тадбирлар самарасини бермоқда. Инвестиция дастури муваффақиятли амалга оширилянпти. Республикамизнинг тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми қарийб икки баробар ортди. Халқимиз фаровон турмушини таъминлаш борасида етарли ресурсларга эгамиз. Шунинг баробарида, таҳлилларимиз кўрсатмоқдаки, айрим жойларда бозор иқтисодиётини жорий этиш жабҳасида сусткашликка йўл қўйилмоқда. деб таъкидлади Бош вазирнинг биринчи ўринбосари. — Хусусан, ўтган вақт мобайнида айрим вилоятларда саноат, қурилиш, халқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда сезиларли ўсиш бўлмагани кузатилди. Бир мисол. Жорий йилда республикамизнинг 40 та тумани иқтисодий аҳволида ўтган йилгига нисбатан ўсиш бўлмади. Жойларда зарар кўриб ишлаётган корхоналарга амалий ёрдам берилмаяпти. Тузилаётган айрим қўшма корхоналар тўлиқ ишламаяпти. Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, хусусан, акциялар савдосини ташкил этишда ҳам камчиликлар мавжуд. Бу каби нуқсонларни вақтида аниқлаб, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш "Ўзистиқболстат» Давлат қўмитасининг доимий диққат марказида турадиган вазифа бўлмоғи лозим.

1996 йил халқ хўжалигини тамомила барқарорлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йили бўлади. Унинг қандай бўлиши эса бу йилги ижобий жараёнларни нечоғли муваффақиятли охирига етказишимизга, қисқача айтганда, йилни қандай якунлашимизга боғлиқ.

Мажлисда бир неча вилоят вакилларининг ахборотлари тингланди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазирнинг ўринбосари Д. Ғуломова, В. Чжен, К. Раҳимов, Р. Юнусов, Ю. Пайгин иштирок этди.

(ЎзА).

ЁППАСИГА ОБУНА БЎЛИШДИ

«Адолат йўли» ҳафтаномаси Фарғона вилоятидаги энг ёш газеталардан бири бўлишига қарамай, тез орада ўз мухлисларини топди. Вилоят прокуратурасининг нашри бўлмиш бу газета қисқа муддатда 20 минг нусхада чиқа бошлади. Бунга албатта газета жамоасининг ижодий изланиши, материалларни қизиқарли қилиб бера олиши муҳим аҳамият касб этди. Яқинда газета муҳарририяти йиғилишида муҳаррир Исроилжон Иброҳимов ҳозирги газетачилик ташвишлари ҳақида гапирар экан:

— Рус ёзувчиларидан бири ҳаммамиз Гоголнинг «Шинели»дан чиққанмиз, деганидек, бугун Ўзбекистон журналистикасининг сарчашмаси «Ўзбекистон овози» ҳисобланади. Республикамизда ҳозирги кунда газета-журналлар жуда кўп. Аммо улар орасида «Ўзбекистон овози»нинг ўрни ҳамиша баланд. Журналистлар учун бу газета ҳамиша маҳорат мактаби бўлиб қолаверади. Келинглар, шу отахон газетага ҳаммамиз обуна бўлайлик, — деди.

Муҳаррирнинг сўзларини жамоа аъзолари маъқуллашди. Бу ерда меҳнат қилаётган журналистларнинг ҳаммаси «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» – ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



Бу дунёнинг ишлари

САЙЛОВДА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМАЙДИГАН БЎЛДИ

АҚШда президентлик лавозимини эгаллаш учун сайловда номзодини қўйган қора танли Колин Пауэлл яқинда ўз ниятидан қайтганлигини айтди. Бу ҳақдаги хабар бутун Америкада чақмоқдек тез тарқалди.

Айримлар Пауэллнинг ушбу қарорини Исроил раҳбари Исҳоқ Рабиннинг тусатдан ўлдирилиши билан боғламоқдалар. Чунки генералнинг хотини Альма Пауэлл бу воқеани эшиттач, эрини президентликка сайловда ўз номзодини қўймасликка қатъий ундаган.

Мутахассислар фикрига кўра, агар Колин Пауэлл сайловда қатнашганида сайлов компанияси жуда кескин ва қизиқарли тус олган бўлур эди. Сабаб — АҚШда қора танли сиёсий арбоблар камдан кам ҳолларда президентлик сайловида ўз номзодларини қўйишади.

ЎТА ҲАЛОЛ КИШИЛАР ҚАЕРДА ЯШАЙДИЛАР?

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида АҚШнинг «Ридерз Дайджест» журнали ўзига хос тажриба утказди. Журнал ходимлари АҚШнинг 12 туманидаги «билмасдан» 50 доллар солинган ҳамёнларини «йўқотиб» қўйишди. Журнал ходимлари кейин ушбу «йўқотилган» ҳамёнларнинг қанчаси полициягa қайтарилганлигини ҳисоблаб чиқишди.

Энг яхши кўрсаткич Вашингтон штатининг Сиэтл шаҳрида рўйхатга олинди. Бу ерда 10 та ҳамённинг 9 таси полициягa қайтариб берилди. Хўш, нега бундай қилдингиз, деган саволга ҳамённи қайтарган америкаликлар диний ва ахлоқий сабаблар ҳалолликка ундаганини айтишди. Сиэтл шаҳри мэри Норм Райс ушбу тажриба натижаларидан ғоятда мамнунлигини яширолмай, «энди ута ҳалол кишилар қаерда яшашлигини аниқ билиб олдим» деди.

ЎГРИ... ОТАСИ ЭКАН

Бу ҳайратомуз воқеа Хитойда юз берди. Анъанавий Хитой медицинаси соҳасида мамлакатда машҳур мутахассислардан бирининг 9 ёшли неварасини ўғирлаган жиноятчи жажжи Сяолин учун 10 минг юан пул беришларини талаб қилди. Полиция қисқа муддатда ўғрини ушлади: у қарангки, профессорнинг ўз ўғли, боланинг отаси бўлиб чиқди. Дарвоқе, Хитойда кейинги пайтда оилавий низолар кўпаймоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар силсиласида эски оилавий муносабатлар дарз кетмоқда, кўпчилик бу ўзгаришларга мослаша олмаяпти. Юқоридаги воқеа ҳам шу ижтимоий танглиннинг бир кўринишидир.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

САЙЛОВ ЯҚИН, НОМЗОД ЭСА ЯГОНА

Қирғизистон Республикасида Президент сайловларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Лекин номзод битта. Республиканинг ҳозирги Президенти Асқар Акаев ягона номзоддир.

ЯНА БИР АСР ЛОЙИҲАСИ

Қозоғистон Республикасида 1500 километрга яқин масофага чўзилган улкан нефть ўтказиш иншооти қурилишининг лойиҳаси тузилди. Унинг манзили қуйидагича: Тенгиз (Ғарбий Қозоғистон) — Астрахань — Новороссийск (Краснодар ўлкаси). Лойиҳага кўра Тенгиз нефть конларидан йилига 60 миллион тоннага яқин «қора олтин» қазиб олиниб, Қора денгиз бўйларига етказиб берилади. Ушбу мураккаб лойиҳанинг энг катта иншоотларидан бири нефть омборхонасидир. Яна қийин жойи шуки, нефть қувури Краснодар ўлкасининг аҳоли зич яшайдиган ва серҳосил ҳудудларидан ўтади. Унинг масофаси 300 километрни ташкил этади.

Бу лойиҳани асосан Каспий қувур ўтказиш консоциуми амалга оширади. Бу ташкилот 1992 йили уч мамлакат — Қозоғистон — Россия — Уммон ҳукуматлари томонидан тузилганди.

ЎЗ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛМОҚДА

Туркманистон жаҳон газ бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Эндиликда Туркманистон узоқ ҳориж мамлакатлари билан газ етказиб бериш юзасидан шартномалар тузаётир. Бироқ мамлакатнинг жуғрофик жойлашувига кўра бундай шартномаларни амалга ошириш жуда машкул. Масалан, Ўрта денгиз қирғоқларига газ қувурлари ўтказиш лойиҳасини олайлик. У амалга ошса, Европанинг турли мамлакатларига газ етказиб бериш мумкин бўларди. Бироқ, бу лойиҳани амалга ошириш миллиардлаб доллар маблағни талаб қилади. Яна бир йирик лойиҳа — Туркманистондан Сариқ денгиз бўйларига газ қувури олиб бориш айниқса кўпроқ маблағ талаб қилади. Бу лойиҳадан Япония кўпроқ манфаатдор. Шу боис ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан Туркманистон ҳукумати ва Японияниг «Мицубиси» корпорацияси ўртасида шартнома имзоланди. Лойиҳага кўра газ қувурлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Хитой ҳудудларидан ўтади. Умуман, газ қувурлари 6 минг 800 километр масофадан ўтиб, қурилишга 10 миллиард АҚШ доллари сарфланади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Япония ушбу лойиҳани амалга ошириш учун керакли миқдордаги маблағни беришга тайёр. Бундан ташқари Американинг «Эксон» корпорацияси ва Хитойнинг давлат нефть компанияси бу қурилишда иштирок этмоқчи.

ДОЛЛАР БОР, СОМ ЕТИШМАЯПТИ

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда қабул қилинган «Чет эл валюталари операцияси тўғрисида»ги қонунга биноан валютани фақат юридик шахслар эмас, балки оддий фуқаролар ҳам сотиши ва сотиб олиши ҳамда алмаштириши мумкин. Қонунга кўра маҳаллий ва чет эл банкларининг филиалларига молиявий операцияларни ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилган. Шу боис эркин валюта бозорида АҚШ доллари кўпайиб бормоқда. Қирғиз сомларини олиш эса қийинлашмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Қирғизистонда пулнинг қадрсизланиши ҳар ойда 1-1,5 фоизни ташкил этмоқда. Миллий валютанинг қиймати эса Америка долларига нисбатан ҳамон бир маромда турибди. Лекин бу баъзи мутахассислар фикрича, Қирғизистонда миллий валютани сунъий равишда камайтириш сабабли юз бермоқда. Мамлакатда иш ҳақи ва ижтимоий таъминот учун бериладиган харажатлар камаймоқда. Пенсиялар вақтида берилмаяпти. Давлат эса аҳолидан 100 миллионлаб сом қарздор. Шу боис доллар бор, сом етишмаяпти.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

АҚШнинг «Кросесроудес» жамғармаси Тожикистонда ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга киришди. Мазкур жамғарманинг Осиё бўйича кредит компанияси мамлакатдаги кичик ва ўрта хусусий корхоналарга машина ва ускуналар сотиб олиш, кўчмас мулкни таъмирлаш ва иш фаолиятини йўлга қўйиш учун 100 минг АҚШ долларигача қарз беришни режалаштирмоқда.

ЯНГИ БАНК

Тожикистонда «Тожиксаноатбанк» қайта ташкил этилди. Банк муассислари республикадаги энг йирик корхоналар — Тожикистон алюминий заводи, «Востокредмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зарафшон» комбинати ва Буюк Британиянинг «Филипштерн» корхонасидир.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германиянинг инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича давлатга қарашли бўлмаган «Агроакция» ташкилоти раиси доктор Хельга Хензелдер Барцел Тожикистонда бўлиб, республика раҳбарлари билан учрашди. Учрашув давомида ташкилотнинг Тожикистонга кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдамини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ташкилот БМТ дастури бўйича республикадаги кўп болали оилалар, нафақахўрлар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бермоқда.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Нилуфар Бекбоева:
— Жаҳонни Ўзбекистон ипагига ўрасам дейман.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

КЎМАКЛАШГАН ИШ — БИТАР

— дейди Сирдарё вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ғофур АЛИЕВ

— Ҳурматли Ғофуржон Нўъмонович, маълумки, юртимизда иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичга қадам қўймоқда. Ана шундай масъулиятли даврда вилоят ижтимоий ҳимоя соҳаси ходимлари қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар?

— Вилоятимизда шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида жами 2,3 мингта турли шаклдаги корхона ва муассаса мулкчилик шаклини ўзгартирди. Шулардан 715 та объект ҳиссадорлик жамоаларига айланган бўлса, 91 та ташкилот жамоа мулки мақомини олди. Бир ярим минг корхона ва муассаса эса хусусий мулк эгалари ихтиёрига ўтди.

Кўриниб турибдики, бу — чиндан ҳам катта жараён. Бу дегани қанчадан-қанча одамлар тақдирида у ёки бу шаклда ўзгаришлар рўй берди. Кимлардир мулк эгасига айланди, кимлардир яхши иш жойларини топиб олди. Табиийки, яна кимлардир эса ўз иш жойларини йўқотишга мажбур бўлиб қолдилар. Биз албатта, энг аввало ана шундай кишилар ёнида бўлишимиз, уларни ёлғиз қолдирмаслигимиз керак.

— Бу жараёнда ишсиз қолганлар кўп бўлдими?

— Фақат мулкчиликнинг шакли ўзгаргани туфайли 432 киши ўз иш жойидан бўшади. Яна 483 киши турли сабабларга кўра иш жойини ўзгартирди

Умуман олганда, йилнинг ўтган даври мобайнида 4295 киши меҳнат биржаларига мурожаат қилган. Яна бир мисол. Ҳозирги кунга келиб вилоятимиз бўйича иш билан банд бўлмаган бир неча минг аҳоли бор.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида асосан мутахассисликка эга бўлмаган аҳоли тоифаси, хусусан ёшлар, пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар ва кўп болали аёллар зиён кўрувчилардан бўлиб қолаётирлар.

— Вилоятда аҳолининг сиз юқорида тилга олиб ўтган тоифасига қандай ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилаётир?

— Маълумки, белгиланган тартиб ва қонун-қоидалар бўйича биз меҳнат биржаларига ёрдам сўраб келганларгагина кўмаклашиш имкониятга эгамиз. Жумладан, шу йил ишдан бўшаган 483 кишининг 309 таси бизга ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Шулардан 74 киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 174 кишига ишсизлик нафақаси белгиланди.

Қишлоқ жойларида иш ўринларини йўқотиб қўйган 900 кишининг 760 нафарига халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан жой топиб берилди. Меҳнат биржаларига мурожаат қилган 4595 кишининг 1683 нафари ёки салкам қирқ фоизи турли ташкилотлар ёрдамида иш билан таъминланди.

— Ҳозирги босқичда ишсизликни камайтиришда қандай чоралар яхши самара беради, деб ўйлайсиз?

—Бу мақсадда мулкчиликнинг кичик ва ўрта бизнес турларини, хусусий мулкчиликни ривожлантириш айниқса муҳим. Чунки улар тез самара беради. Одамлар ўз меҳнати маҳсулини унча узоқ бўлмаган муддатдаёқ сеза бошлайдилар.

Ҳозир вилоятимизда 536 та кичик корхона, 14 та кооперацияга асосланган тадбиркорлик жамоаси ишлаб турибди. Шулардан 91 та кичик корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган бўлса, 58 та жамоа халқ истеъмоли моллари етиштиришни йўлга қўймоқда. Мазкур корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумвилоят кўрсаткичининг 10,8 фоизини ташкил этаётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Шунингдек, вилоятимизда ҳозирга келиб 2390 та турли катта-кичик ташкилотлар, жамоалар кичик бизнес билан шуғулланмоқдалар. Мазкур соҳани ривожлантириш ва кенгайтириш учун барча чоралар кўрилмоқда. Вилоятимиздаги деҳқон-фермер хўжаликлари сўнгги икки йилда 413 тага кўпайиб, уларнинг сони 1078 тадан ошиб кетди. Сўзсизки, уларда ишга яроқли аҳолининг талайгина қисми ўз мулки ва ўз бизнесини яратмоқда, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Биз ана шу соҳанинг аҳамияти, одамларнинг бу тармоқларга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнес, хусусий мулк эгаларига ёрдам бериш, бу тармоқларда янги иш жойлари яратиш устида иш олиб бораётирмиз.

— Ҳозирги дамларда юзага келаётган муаммолар ҳақида нималар дея оласиз?

— Юзага келаётган муаммоларни вақтида илғаб олмаслик ҳамда тегишли чоралар кўрмаслик — бу замондан ортда қолиш демакдир. Ижтимоий ҳимоя соҳаси ходимлари учун эса бу янада масъулиятлироқ нарса. Ҳозирги ўтиш даврида шаҳар ва қишлоқларимиздаги вазият қандай? Кимларнинг ишлари яхши-ю, кимлар ташвишда қолмоқда. Кимлар шошилинч ёрдамга муҳтож бўлиб турибди?.. Бу муаммоларни билмай туриб, тараққиёт ҳамда ижтимоий барқарорлик ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Биз юқоридаги сингари саволларга қисман бўлса-да, жавоб топиш мақсадида яқинда вилоятимизнинг йирик шаҳар ва туманлари, яъни Ғулистон, Янгиер шаҳарлари ҳамда Оқолтин ва Ховос туманларида ижтимоий тадқиқот ўтказдик. Унда вилоят бошқармаси, жойлардаги масъул ходимларимиз билан бир қаторда жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этдилар. Натижада шу нарса маълум бўлдики, ана шу ҳудудларда иш билан банд бўлмаганлар сони деярли 10,5 минг кишини ташкил этар экан. Шулардан 5,5 минг киши ишлашни хоҳлайди. Лекин меҳнат биржаларига ёрдам сўраб мурожаат қилганлар сони 1,2 минг кишини ташкил этади.

Кўриниб турибдики, ижтимоий ҳимоя борасидаги муаммолар, ташвишлар оз эмас.

Энди шу ўринда баъзи мулоҳазалар устида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ҳозирги ишсиз қолаётганларнинг кўпчилик қисми 16-30 ёшдагилардир. Масалан, биз юқорида тилга олиб ўтилган ҳудудларда жами ишсизларнинг 44,7 фоизини ташкил этди. Шундай бир пайтда вилоятимиздаги ҳунар-техника билим юртлари эскича тартибда кадр тайёрлашни давом эттирмоқдалар. Ваҳолонки, улар ишини бозор иқтисоди талабларига мослаш вақти аллақачон етиб келган.

Ишсиз қолаётганларнинг салкам 70 фоизини асосан аёллар ва кўп болали аёллар ташкил этмоқда.

Албатта, юқорида тилга олинган кўрсаткичлардан хотиржамликка тушиб бўлмайди. Чунки бозор иқтисодига ўтиш тобора жадаллашиб бораётган, банкрот корхона ва ташкилотлар кўпайиб турган ҳозирги дамларда вазият кун сайин ўзгариб бормоқда. Буни эса қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнат биржаларига иш сўраб мурожаат этаётганлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 47,1 фоизга ўсди. Айни пайтда ишга жойлаштириш жараёни эса 4 фоизга кўтарилди.

Шунингдек, ишсизлик мақомини олганлар сони ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробарга ортган. Умуман олганда, меҳнат бозори тобора шаклланиб, вилоятимизда иш жойлари учун рақобат пайдо бўлиш аломатлари сезила бошлади. Аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатлами билан меҳнат биржалари ўртасидаги алоқалар тезлашди. Уларнинг биржаларга бўлган ишончи орта бошлади. Сўзсиз, бу ҳол яқин келажакда янада кучаяди ва тезлашади. Шунинг учун аҳолини ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган барча идора ва органлар, ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб боришлари, аҳоли эҳтиёжига «лаббай» дея жавоб беришга ҳозир турмоқлари даркор. Буларнинг бари қўрқ воҳа иқтисодини ривожлантириш, ижтимоий вазиятини эса барқарорлаштиришдек хайрли ишларга хизмат қилади.

— Бошқарма жамоаси, мутахассислар чет эллик шериклар билан қандай ҳамкорлик йўлларини изламоқдалар?

— Бу борада ҳам маълум амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, мен бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан биргаликда яқинда республикамиз делегацияси сафида Америка Қўшма Штатларининг қатор штатлари ва шаҳарларида бўлиб, у ердаги бу соҳа ишлари билан атрофлича танишдик ва ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олдик. Ҳозирги кунларда эса давлатларимиз орасидаги шартномага биноан бир гуруҳ вакилларимиз Жанубий Корея давлатига ишлаб келиш учун жўнаб кетмоқдалар. Дастлабки 6 кишидан иборат гуруҳни жўнатдик. Йил охирига қадар жами 100 кишини жўнатиш ниятидамиз. Шунингдек, Саудия Арабистони билан ҳам фойдали ҳамкорлик ўрнатилишидан умидвор бўлиб турибмиз.

— Чет элликлар билан ҳамкорлик чоғида баъзи мулоҳазалар ҳам пайдо бўлгандир?

— Чет эллик ҳамкасбларимиз тажрибаларини ўрганиш чоғида улар ҳаёти, фаолиятидаги биз учун қимматли бўлган томонларини ўрганиш билан бир қаторда ўз турмушимиздаги мавжуд, аммо шу пайтга қадар кўзга ташланмай келаётган муаммоларни топиб, ҳал этишимиз, ишларимизни имкон борича ҳозирги даврга, хусусан вилоятимиз ҳамда республикамиз аҳолисининг табиий шароити, урф-одатлари билан боғлаган ҳолда олиб боришни мақсадга мувофиқ деб билмоқдамиз. Масалага шу томондан қараганда биз ҳозир баъзи таклифлар устида иш олиб бораётирмиз.

— Хўш, агар сир бўлмаса, улар қандай таклифлар экан?

— Маълумки, ҳар қайси корхона иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаларига иш ҳақи фондининг икки фоизи миқдорида ажратмалар ўтказиб туради. Бизнингча, жамғармага ажратилажак сумма миқдорини у ёки бу корхонадаги кадрлар қўнимсизлиги даражаси билан боғлаб қўйиш керак. Токи, корхона ёки ташкилотда кадрлар қўнимсизлиги юқори бўлса — ажратма миқдори ҳам юқори бўлсин, агар қўнимсизлик паст бўлса — ажратма миқдори ҳам кам бўлсин. Бу корхона жамоасини маълум миқдорда кадрлар билан ишлашга рағбатлантирган бўларди.

Бизнинг яна бир таклифимиз шундан иборатки, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш органларига, тадбиркорликка мойиллиги бўлган, лекин бунинг учун асосли маблағи бўлмаган ишсизларга уларнинг бир ёки икки йиллик нафақасини бирданига ажрата олиш ҳуқуқини бериб қўйиш лозим. Токи, у киши ўша маблағдан фойдаланиб, ўзининг шахсий мулки асосини яратиб олиш имконига эга бўлсин.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганишнинг ТАХМИНИЙ РЕЖАСИ

Мавзулар номи	Ажратилган вақт (соат)	Машғулот шакли
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — энг нуфузли халқаро ташкилот	1 соат	маъруза
Ўзбекистон — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси.		
Республика Президенти И. Каримовнинг БМТни ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифлари.	1 соат	маъруза
Ўзбекистон — оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни кафолатлаш тарафдори.	1 соат	суҳбат
Минтақавий хавфсизликдан — умумжаҳон ялпи хавфсизлиги сари	1 соат	суҳбат
Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ҳозирги босқичи ва истиқболлари	1 соат	суҳбат
Жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг Ўзбекистон учун аҳамияти	1 соат	суҳбат
Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш — мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили.	1 соат	суҳбат
Орол — бутун Марказий Осиёнинг муаммоси. Уни бартараф этиш — минтақамиз халқлари, жаҳон ҳамжамиятининг умумий вазифаси.	1 соат	суҳбат
«Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати — Марказий Осиё халқлари тарихий ва тақдирий муштараклигининг ифодаси.	1 соат	давра суҳбати
Ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар — тинчликсевар ташқи сиёсатимиз муваффақияти гарови	1 соат	мулоқот

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи.
«Ўзбекистон», Тошкент, 1993 йил.

И. А. Каримов. «Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I сессиясида сўзланган нутқ.
«Ўзбекистон», Тошкент, 1995 йил.

И. А. Каримов. «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясида сўзланган нутқ.
«Ўзбекистон овози», 1995 йил 1 сентябрь.

И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.
«Ўзбекистон», 1995 йил.

И. А. Каримов. БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан махсус тантанали йиғилишида сўзланган нутқ.
«Ўзбекистон овози», 1995 йил, 26 октябрь.

И. А. Каримов. «Мақсадимиз — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик». Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблари.
«Халқ сўзи», 1995 йил, 3 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгашида сўзлаган нутқи.
«Ўзбекистон овози», 1995 йил, 16 сентябрь.

Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси.
«Ўзбекистон овози», 1995 йил, 21 сентябрь.

***

Шунингдек, ушбу мавзуга доир вақтли матбуотда эълон қилинган ҳужжат ва мақолалардан фойдаланиш тавсия этилади (қаранг: «Ўзбекистон овози», 1995 йил, 19 сентябрь, 21 октябрь; «Халқ сўзи», 1995 йил, 19, 21, 28 октябрь).

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида баён этилган ғояларни тарғиб этиш бўйича маърузалар, суҳбатлар, мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар мавзуларининг НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — энг нуфузли халқаро ташкилот.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқининг асосий мазмуни ва моҳияти.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари ва фаолиятини ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифлари.

Ўзбекистон — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси.

Ўзбекистон ташқи сиёсати — тинчлик, ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва дўстлик сиёсати.

Ўзбекистон — оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни халқаро кафолатлаш тарафдори.

Минтақавий хавфсизликдан — умумжаҳон ялпи хавфсизликни таъминлаш сари.

Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиё минтақасида коммуникацияларни ривожлантиришга доир таклифлари.

Афғонистонда биродаркушлик урушини тўхтатиш, тинчликни қарор топтириш — долзарб халқаро вазифа.

Тожикистонда тинчлик ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг ягона оқил йўли — мухолифат билан музокараларни давом эттириш, миллий мороса йўлини тутишдир.

Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги — мустақил мамлакатларимиз миллий хавфсизлигининг гарови.

Орол муаммосини ҳал этиш — Марказий Осиё халқлари, жаҳон ҳамжамиятининг умумий вазифаси.

«Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати — Марказий Осиё халқлари тарихий ва тақдирий муштараклигининг ифодаси.

Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишнинг Ўзбекистон учун аҳамияти.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ҳозирги босқичи ва истиқболлари.

Юртимизда туб ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни асраш — тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам замини.

ТУРКИСТОН МУЛКИНИНГ СУЛТОНЛАРИ

Биз билган ва билмаган тарих

Турмушнинг тамом бўлмас ташвишлари силсиласида ўтаётган ҳар бир куннинг тарихга айланаётганини баъзан эслаб, баъзан унутиб қўясан киши. Китоблар орқали узоқ ва яқин ўтмиш билан тиллашган онларинг эса ҳаётнинг ҳар лаҳзаси беҳад қадрли ва ундан қай тарзда унумли фойдаланиш зарурлиги, бу ўткинчи дунёда боқийликка даҳлдор из қолдириши мумкинлигини такрор-такрор ўйлайсан. Айниқса, буюк бобокалонларимизнинг турмушнинг баланд-паст, ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан фақат юксаклик сари интилганликларига иймон келтириб, руҳинг осмонлари кенгайган, учқур хаёлларинг биргина эзгулик шуъулалари билан йўғрилган дамларда юрак тўлқинлари ўша буюклар руҳий оламига яқинлашганини ҳис қиласан. Нақадар таърифига сўз ожизлик қилувчи бахт бу — буюклар руҳий оламига яқинлик. Бошқачароқ қилиб айттанда номаълум ва номсиз туйғулар вужудингни қуршаб олади. Мағрибдан Машриққа қадар ўз жозибали каломи билан донғи кетган Мирзо Бедилнинг «Эй одамзод, феъл-атворингдаги бу ожизлик ила худо-ку бўлолмайсан, ҳеч бўлмаганда одам бўлгил» деган доҳиёна башорати гўё ундан олдин ва ё кейин ўттан ҳар бир аллома қалбу шуурида акс-садо бериб турганини тушунгандай бўласан. Зеро, кўҳна Шарқимизда ҳеч бир аллома худолик даъвосини қилган эмас, қилмайдиям. Балки тангрининг қобил, қанотли бандаси бўлиб, чин инсонлик шаъни салтанатида сарбаланд туришни ва ўзгаларни ҳам шу салтанатни пок сақлашга ундашни ўзининг тангри-таоло олдидаги бурчи эканлигини тушунганининг гувоҳи бўласан. Ана шундай буюк зотлар шаъну шукуҳига, қолдирган маънавий меросига таъзим бажо келтириб соҳибқирон Амир Темур, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Чор Бакр ва уларнинг нуфузли авлодлари — Жуйбор хўжалари ҳаётини даста-даста китоблардан ўқиб-ўрганиш жараёнида бу шарқона фалсафа томири нақадар теранлигини чуқур ҳис этган ҳолда шарафли ва айни пайтда масъулиятли инсоний бурч мени қуйидаги мисраларни битишга чорлади.

СОҲИБҚИРОННИНГ СУЯНГАН ТОҒЛАРИ

Эзгуликнинг теран томирлари барча замонларда бевосита маънавият булоғидан бахраманд бўлган. Шу маънода соҳибқирон Амир Темурнинг руҳий дунёси, маънавий олами қайси маънавият булоқларидан бахраманд бўлган, деган ҳақли савол ҳамиша ҳаммани қизиқтириши табиий.

Соҳибқирон Кеш, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот каби кўҳна шаҳарлардаги кўплаб улуғларни ўз пирлари, устозлари, салафдошлари деб билган. Мулла Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китобида шундай сатрларни ўқиймиз: «Соҳибқирон Искандарий Соний (яъни Амир Темур) айтур эдики: «аввал кунларимда етмиш пири комилга қўл бердим. Етмиш маротаба ўлимдан нажот топдим, етмиш денгиздан гаввос каби сузиб ўтдим. Ҳаргиз шароб-чағир ичганим йўқ ва намоз тарк қилганим йўқ». Яна шу манбадан маълум бўлишича, Амир Темурнинг пирлари Ҳазрат Амир Мири Кулол, асҳоблари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрат Шамсиддин Кулол ҳамда Сайфиддин Боҳарзий авлодларидан Шайх Ҳасан Кулол, Бобойи Порадўздирлар.

Китобнинг 95-саҳифасидан қуйидагиларни ўқиймиз: «Дерким: аввал Амир Темур соҳибқироннинг шайх-ул аълам (руҳи) тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учинчи шайх Ҳасан Боҳорзий тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдан интиқол қилгунларигача (валийлар) тўрт валий тарбият қилдилар».

Дарвоқе бухоролик Бобойи Порадўзнинг ҳам Амир Темур дунёқарашининг шаклланишидаги хизматлари беқиёсдир. Баҳоуддин Нақшбанд маслакдошлари бўлган бу пири комил вафотидан сўнг Амир Темур унинг қабри устига мақбара, хонақоҳ, улар ёнида эса сарҳовуз, ҳужралар қурдирди. Бу ҳақда У. Олимов, Ж. Мирзааҳмедов, Н. Йўлдошев каби олимларимиз асарларидан кўплаб маълумотномаларни ўқиб, билиб олишимиз мумкин.

Соҳибқирон ўзларига Саййид Баракa ва Зайниддин Тойбодийни пири комил ва устози аввалин деб тан олганликлари кўпчиликка аён. Амир Темурнинг нақшбандийлик тариқати асосчиси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга бўлган эҳтирому эътиқоди бу даражадан кам эмас.

Алломалар султони Юсуф Хос Ҳожиб башорат этган «Эзгу уруғ эксанг, эзгулик унади» деган ҳикматли сўзлари Амир Темур билан Баҳоуддин Нақшбандининг пиру муршидлик муносабатларида ўз аксини топганлигини бир неча ўринларда кўриш мумкин.

«Темур тузуклари» китобида ёзилганидек, Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг падари бузруквори Амир Тарағайнинг ва инчунин соҳибқироннинг пири саналган. «Темурнома» китобида бу фикрнинг узвий давомини ўқиймиз. Унда Темур ёшлигида Бухорога келиб қасри Орифонда яшаганлиги, Ҳазрат Баҳоуддинга бир неча вақт мурид бўлганлиги, Бухоройи Шарифдаги Темур билан боғлиқ бир неча воқеалар баёни берилган. Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилиб, Темур сулоласи ҳукмронлиги бошланганлиги, Ҳожа Баҳоуддин бегона юртлардан ўз она юртларига қайтиб нақшбандийлик тариқатини тарғиб қила бошлаганликлари, бу даврда Амир Темур ўзининг илоҳиёт ва тариқат устози пири муршидига катта ғамхўрлик кўрсатиши ҳикоя қилиб берилганки, бу Амир Темур билан Баҳоуддин Нақшбанд ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатлар беҳад чуқур илдизга эга эканлигини кўрсатади. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд соҳибқиронга шундай дейдилар: «Эй Амир Темур, ҳар вақт бир ишга ожиз қолсанг, ё пирим Нақшбанд дегил, биз сенинг ҳолингдан воқифдирмиз».

Дарҳақиқат шундай бўлди. Темур ҳамиша бу насиҳатга амал қилди. Насафийнинг «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд» рисоласидаги қуйидаги мисралар бунга гувоҳлик беради: «Нақшбандийлик жамоаларининг Бухорода, Самарқандда, Балхда, Марвда, Хивада ва Эроннинг Шарқий вилоятларида таъсири кучайди. Усмонли Туркиянинг султони Боязид Йилдирим билан жаҳонгир Амир Темур уруш бошлаганларида нақшбандийлик жамоалари иккала мусулмон давлатининг ярашуви тарафдори эдилар. Амир Темур қўшинлари қамал қилган жуда кўп қалъаларнинг минг-минг аҳолисига омонлик беришда ҳам нақшбандий тариқати пирларининг таъсири катта эди...»

1404—1408 йилларда Самарқандда яшаган атоқли муаррих Ибн Арабшоҳ «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Таймур» асарида ёзишича, Халоб шаҳрини фатҳ этган Амир Темур Самарқанднинг машҳур илоҳиётчи олимларидан Мавлоно Абдужаббор ибн Нўмониддин ал-Ҳанафий орқали араб олимлари билан суҳбат ва мунозара қилади. Ўшанда Амир Темур нақшбандия тариқатига мувофиқ сунна асосида савол бериб, шиалар эъзозлаган Ҳазрат Али, Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларга ҳам буюк ҳурмат билдиради.

Туркий халқлар ҳаёти, исломга, тилга оид йигирмадан ортиқ асарлар муаллифи можар олими Ҳерман Вамбери ўзининг қимматли тарихий маълумотларга тўла «Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи» китобида эса Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, санъат, меъморчиликка беҳад катта эътибор берилганлигини таъкидлаш билан бирга буюк шоирлар, файласуфлар, илму маърифат пешволари қолдирган маданий мерос, жумладан Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, дунёвий илмда тутган ўрни ҳақида самимият ва меҳру ихлос билан фикр юритади.

«Амир Темур ўгитлари» (Тошкент, «Наврўз» — 1992 йил) китобидаги ушбу сўзлар соҳибқироннинг Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига бўлган ҳурмату эҳтироми нақадар юксаклигидан яна бир далолатдир: «Пиру Комил Баҳоуддин Нақшбандниг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар—очарчилик кўрмасдан, бойбадавлат яшайсизлар, кам ухланглар—мукаммалликка эришасизлар, кам гапирінглар—доно бўласизлар».

Келтирилган мисолларда Амир Темурнинг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти, Нақшбандия тариқатига муносабати ойдин кўринiб турибди. Бу каби ажойиб ва ибратомуз мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо биз масаланинг бу қиррасини шу ерда тўхтатиб, соҳибқирон Амир Темурнинг, пиру комил Баҳоуддин Нақшбандниг бухоролик авлиёю анбиёлар, жумладан Чор Бакрга бўлган муносабатлари ҳақида фикр юритмоққа жазм этдик.

КЎНГИЛ ГУЛШАНИНИ ГУЛЛАТГАН УЛУҒ ЗОТ ВА ЧОР БАКР

Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Абдулланома» асарида таъкидланганидек, Нақшбандия тариқати султони, ҳақиқат аҳилларининг далили, валийлар қутби, муттақийлар гавси, машойихлар пешвоси Ҳожа Баҳоул ҳақ Вал миллат, Вад Дунё, Вад дин (миллат, дунё, дин ҳақиқатларини ўлчовчи). «Ҳаётнома», «Даъдил ул ошиқин» каби асарлар муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий Мовароуннаҳр, Эроннинг шарқий қисми, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари ва Африка қитъаси сунний мазҳабидаги мусулмонлар орасида Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Баҳоуддин Балогардон номи билан маълум ва машҳурдир. Бухоролик ана шу улуғ зот етти асрдирки миллионлаб кўнгиллар гулшанини ўз илоҳий ёғдулари билан ёритиб, такрорланмас қудрати билан гуллаётганини ва унинг зиёратига Машриқу Мағрибдан оқиб келаётган одамлар эътиқодини қай сўз билан таърифлаш мумкин? Эвоҳ, бу нур йўлини кимлардир тўсмоқчи бўлди. Аммо ўша ножинслар ўз ёғларига ўзлари қовурилиб, адойи тамом бўлиб кетдилар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қалбига бу илоҳий нур қачон ва қаерда доҳил бўлган эди? Аввало бу Тангри Таолонинг иноятидандир. Бироқ, бошқа бир маънавият мулкининг султони Алишер Навоий қаламидан оққан шуълага нигоҳ солайлик: Ҳожа Баҳоуддин «Тарбиятни Ҳазрати Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳидан топибдурлар». Хўш, бу қандай доҳил бўлган эди? Ҳикоят қилишларича, Ҳожа Баҳоуддин кечқурун Бухоро мозорларидан ўтасига борадилар. У ерларни фотилалар (шамчироқлар) яхши ёритиб турарди. Учинчи мозорни зиёрат қилаётганларида унинг қибла девори очилади, бир улуғ тахт пайдо бўлади ва яшил парда ул тахт олдига тортилган бўлади. Парда тақчарисида бир жамоат ўлтирур эди. Баҳоуддин улар орасида Ҳожа Муҳаммад Бабойи Самосий руҳларини танийди. Уларнинг ораларидан бир киши бу тахт Ҳожа Абдулҳолиқникидур ва ул жамоат аларнинг хулофосидур (халифасидур) ва бирин-кетин аларнинг отини атайди ва Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосийга етганда дедики, аларни ўзинг ҳаётингда кўргансан, сенинг пирингдурлар ва сенга бир Бўрк берибдурлар, каромат қилибдурларким, яқин бўлган бало сенинг шарофатинг (баракатинг)дан даф бўлгай. Андан сўнгра ул жамоат айтдиларки, қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Ҳожа ҳазратлари сенга сўзлар айтгусидирларки, ҳақ субҳонаху ва Таоло йўли сулукида (тариқатида) санга андин чора йўқдир. Ул жамоадан илтимос қилдиким, ҳазрати Ҳожага салом қилай ва муборак дийдорларига мушарраф бўлай. Пардани иллайидин олдилар. «Пире кўрдим, нуроний. Салом қилдим, жавоб бердилар ва сўзларки, сулуқ маддайи (бошланиши) ва вассати (ўртаси) ва охирида кераклидур, манга баён қилдилар ва дедилар, ул чароқки, ул кайфият бирла санга кўргуздилар, ишорат ва башоратлар санга бу йўл қобилияти ва истеъдодидин. Аммо,истеъдод фотиласин ҳаракат келтирмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай...» (Алишер Навоий).

Айтишларича, бу хосиятли ва қутлуғ учрашув маъвоси — Чор Бакр мозоротидир. Зеро, бу каломда асосий далил бор. Биринчидан, Чор Бакр мозороти қадимий ва муқаддас маъво. Қадимийлиги шундаки, ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: Чор Бакр қишлоғи VI аср охирида бунёд этилган. Буни тарихий китоблардаги маълумотлар исботлаб турибди. Олимларимиз Ж. Баракаев ва Й. Ҳайдаровларнинг «Бухоро тарихи» китобида шундай мисралар бор: «VI аср ўрталарида турк қабилалари бошлиқларидан бири Шири Кишвар Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида Пойкент шаҳрини асосий шаҳар қилиб белгилаб, Бухорода ўзининг қароргоҳини ташкил қилган».

Шу масалада Бухоронинг Наршаҳ қишлоғидан бўлган тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршаҳий (899-959) араб тилида 943-944 йилларда ёзиб қолдирган дунёга машҳур «Бухоро тарихи» китобига мурожаат қилайлик. Китобнинг дастлабки саҳифаларида Бухорога ҳукмронлик қилган Абруйнинг жабр-зулми оқибатида халқ Туркистон ва тароз (ҳозирги Жамбул)га қочиб кетганлиги, бухороликлар Хамукет шаҳрига, подшоҳ Қарожуринга арздод билан борганлиги, у эса ўғли Шери Кишварни кўп лашкар билан Бухорога юборганлиги, Шери Кишвар фармоға мувофиқ, бир катта қопни қовоқарига тўлдириб, банди этган Абруйни қопга солиб ўлдиргани ва қочиб кетган аҳоли, шу жумладан деҳқонзода Бухорхудот қайтиб келмаганлиги, ҳаёт қайта изга тушганлиги ҳикоя қилинади. Шу ерда биз қуйидаги мисраларни ўқиймиз: «Шери Кишвар Бухоро Шаҳристонини қурди ҳамда Мамостиқ, Сақматин, Самтин ва Фароб қишлоқларини бино қилди. У йигирма йил подшо бўлиб турди. Ундан кейин бўлган бошқа подшо Искашкат, Шарғ ва Ромтин қишлоқларини бино қилди. Сўнгра Фарахший қишлоғига асос солди. Муоявиянинг даврида Қутайба ибн Муслим томонидан Бухоро фатҳ қилинди ва Тоғшода ибн Қутайба ибн Муслим томонидан подшоҳ бўлиб ўттиз икки йил ҳукмронлик қилди. Бухоро амир Исмоил Сомоний давригача Тоғшоданинг фарзандлари, хизматчилари ва неваралари қўлида бўлди. Сўнг подшоҳлик Бухорхудот болаларининг қўлидан кетди».

Демак, Бухоро Шаҳристони, яъни шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий қисми ва Сақматин қишлоғи Бухорохудотлар даврида бунёд этилган. Наршаҳийнинг ушбу «Бухоро тарихи» китоби изоҳлар қисмида «Сақматин — кейинроқ Сумитан деб аталган. Бу қишлоқ Шаҳарруд каналининг бўйида, Бухоро ёнида жойлашган. Ҳозир эса Чор Бакр деб аталади», мисраларини ўқиймиз. Бу Бухоройи Шарифнинг қоқ ўртасида машҳур Шоҳруд ариғи (ҳозир шундай деб аталмоқда) бевосита Сумитан, яъни Чор Бакр қишлоғидан ўтганидан далолатдир. Бу каби маълумотни янада батафсилроқ ва кенгроқ XVI асрда яшаган бухоролик машҳур шоир ва муаррих Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномайи шоҳий» («Абдулланома») китобидан ўқиб бу сарзамин қадимийлигига, қолаверса, муқаддаслигига иймон келтиришимиз шубҳасиздир.

Иккинчидан мозоротнинг муқаддаслиги шундаки, аввало бу тупроқда беҳад кўп зоти шариф саналмиш Одам Ато фарзанди ҳоки туробга айланган бўлса, тарихга кўз югуртирсак, улар орасида нафақат Бухорий Шариф, балки Турон замин, қолаверса, Шарқда машҳур ва ҳатто таг-томири Муҳаммад Алайҳи вассалламга бориб тақалгувчи улуғлар мангулик хобидадирлар. Муҳаммад Алайҳи вассалламдан кейин Араб халифалигида ҳокимият тепасига келган, Ислом дини мавқеини оламга ёйган «Чориёр»лар — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ҳақида жуда кўп маълумот мавжуд. Чор Бакрлар ўз асл насабларини ана шу дастлабки халифа ва Муҳаммад Алайҳи вассалламга боғлаганлар. Сомонийлар даврида яшаган улуғ зотлар — Абу Бакр, Саъд Абу Бакр Аҳмад, Абу Бакр Фазл ва Абу Бакр Ҳомид ибн Муҳаммад шайх, зоҳид, имом, олим сифатида шарқ мамлакатларида танилганлар. Машҳур муаррих Бўрибой Аҳмедов қаламига муносиб «Тарихдан сабоқлар» мажмуасининг 394-саҳифасида «Абу Бакр Саъд-Сомонийлар даврида ўтган нуфузли дин арбоби (970 йилда вафот этган)» деб ёзиб қўйилганлиги, умуман бу ҳурматли, билимдон олимимизнинг Абу Бакрлар, уларнинг кейинги авлодлари — Жуйбор хўжалари ҳақида махсус рисола иншо этгани ҳам бежиз эмас.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бевосита ва билвосита бу улуғлар руҳидан мадад, таълимотидан сабоқ олганлиги маълум ҳақиқат. Айтишларича, Чор Бакрдаги чиллахонада Ҳожа Бузургон чилла ўтирганлар. Худди шу чиллахона ёнида мозор деворларидан бири ва ривоятларга кўра Маккатиллодан келтириб ўрнатилган нақшинкор кўк тош бор. «Мозорнинг қибла девори очилди, бир улуғ тахт пайдо бўлди» деганда бизнингча ана шу қибла девордан тош очилгани назарда тутилган. Ҳозир эса бу тош чамбарак фақат қиёмат қойим куни очилади, деган нақл юрибди.

Энди фикримизни масаланинг бошқа бир жиҳатига қаратайлик. Зеро, бу мисол Баҳоуддин Нақшбанд билан Чор Бакрларнинг ўзаро насл-насаблари яқинлигидан шаҳодат берилишига кўмаклашади. «Туҳфат-ул ансаб»да Хўжайи Бузургнинг оталари Муҳаммад Алайҳи вассалламга оналари Орифабиби Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалиши нақл этилган. Бу маълумотни Чор Бакрнинг таржимаи ҳолида ҳам учратдик.

Таълимот олиш жиҳатидан ҳам ушбу йўл шаксшубҳасиз Абу Бакр Сиддиқ ва сарвари олам Муҳаммад Мустафо алайҳи вассалламга бориб боғланади. Бу жиҳатдан мисолни Садриддин Салим Бухорийнинг «Дилда ёр» бадиасининг қуйидаги мисраларидан олиб мушоҳада этиш жоиз: «Мақомати шоҳи Нақшбанд»да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Сайид Мир Кулолдан, Мир Кулол Бобойи Самосийдан, Самосий Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан, Фағнавий Ҳожа Ориф Ревгарийдан, Ревгарий Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан таълим олганлар. Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийдан, ул зот Шайх Абу Али Фармадийдан, ул зот эса Шайх Абул Қосим Гургонийдан, Гургоний Абул Ҳасан Ҳараконийдан, Ҳараконий Боязид Бастомийдан сабоқ олган. Боязид Бастомийнинг пирлари имом Жаъфар Содиқдир.

Имом Жаъфар Содиқ силсилайи шарифда икки йўл билан боғланган. Бирида Имом Жаъфар ўз падари бузрукворлари Ҳазрат Имом Муаммаддан, Имом Муҳаммад Имом Зайнул Обиддиддиндан, Зайнул Обиддиддин оталари Имом Ҳусайндан, Имом Ҳусайн оталари Али Разиоллоҳу Анҳудан, Али Муҳаммад Алайҳиссаломдан таълим олганлар. Мазкур занжир ҳалқалари нафақат оилавий йўл билан, балки тариқат таълими билан ҳам Пайғамбар Алайҳиссаломга туташгандир.

Иккинчисида эса Имом Жаъфар Содиқ тариқат тарбиясини Ҳазрат Қосим бин Муҳаммад бин Абул Бакр Сиддиқдан олган. Ҳазрат Қосим Имом Жаъфарнинг боболари (она томондан) ҳисобланади. Ҳазрат Қосим Салмоний Форсийдан, Салмоний Форсий Абу Бакр Сиддиқдан, Абу Бакр Сиддиқ сарвари коинот Муҳаммад Мустофо саллаллоҳу алайҳи вассалламдан тариқат сирларини ўрганиб, қўл олгани маълум».

Хуллас, Баҳоуддин Нақшбанд билан Чор Бакр ва уларнинг кейинги авлодлари қалбан, руҳан ва маънан бир-бирларига яқинликларини инкор этиб бўлмайди. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд ўзларидан олдин ўтган пирлар қатори Чор Бакрларнинг зиёратгоҳига тез-тез келиб-кетган бўлсалар, сўнгра Жуйбор хўжалари Баҳоуддин Нақшбандни ўз пирлари деб билганлар ва оламаро Нақшбандия тариқатининг кенг ёйилиши учун тарғиботни кучайтирганлар.

БУЮКЛАРНИНГ БУХОРОЛИК ВОРИСЛАРИ

Аллоҳга беҳисоб шукурларки, юртимизда мустақиллик қуёши порлади. Аждодларимизнинг арвоҳлари яна шод бўлди. Қадриятларимиз қайта тикланадиган бўлди. Буюкларнинг бухоролик ворислари топталган юртда қайта тиклаш, айниқса муқаддас зиёратгоҳлари бўлмиш тарихий обидаларни қайта таъмирлаш, улар атрофини ободонлаштириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди.

Шу ўринда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан улуғ зот мангу хобгоҳи ва унинг атрофидаги барча бинолар қайта таъмирланди, қўшимча бинолар бунёд этилди. Энди Бухоройи Шарифнинг бошқа муҳаддас зиёратгоҳлари, жумладан Чор Бакрда ҳам таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Зотан бу муқаддас даргоҳ буюк сиймолар мангу хобгоҳи ва Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ зотлар назари тушган, пойи қадам теккан ошиёнлардир. Мирзо Улуғбек ҳам бир неча бор зиёрат этган бу маъводир. Бугунга келиб бу муқаддас қадамжоларни Буюк ипак йўли туристик маршрутига киритиш зарур. Чунки ўзбекнинг бой маданий ва маънавий мероси ўчоғи халқаро миқёсдаги мўътабар масканга айлансин. Буни астойдил тушунган, буюк зотлар арвоҳини шод этишга камарбасталик қилаётган Бухоро вилояти ва тумани ҳокимлари Мавлон Раҳмонов, Элмурод Шомуродовлар шу йил баҳорда бир қатор жамоа хўжаликлари кучғайратини бирлаштириб, ҳашар йўли билан тозалик ишларини амалга оширдилар. Бу ерда «Чор Бакр» махсус таъмирлаш фирмаси ташкил этилди. Ҳокимликлар, айрим жамоа хўжаликлари, ташкилот ва корхоналар маблағ ажратиб, уни таъмирлаш фирмаси ҳисобига ўтказадиган бўлишди. Аммо катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш учун бу маблағлар камлик қилиши турган гап. Иккинчидан, иқтисодий танглик бу маблағларнинг ўз вақтида ўтказилишига таъсир кўрсатяпти.

— Қандай бўлмасин, биз Бухоройи Шариф ва унинг муқаддас зиёратгоҳлари мавқеини ўша қадим замонлардаги даражага етказишимиз ва ҳатто ундан ҳам ўтказишимиз лозим, — дейди Мавлон Раҳмонов. — Илгари Бухоройи Шариф атрофи қалъа билан ўраб олинган ва унда дарвозалар ўрнатилганди. Ҳар қандай бадниятлар, бадкирдорлар, нопокларнинг Шаҳристонга киришига йўл қўйилмасди. Дину диёнат, тоат-ибодат маскани бўлган Бухоройи Шариф иккинчи Маккайи Мадина ҳисобланарди. Биз бугун Бухорони ободонлаштиришга, шаҳарга киришга уч ёқдан катта дарвозалар қуришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Катта дарвозалар олдида кемпинглар бунёд этилади. Келган меҳмонлар бу жойларда дам оладилар. Ҳатто машиналар ҳам ювилиб тозалангандан сўнг уларнинг шаҳарга киришига рухсат этилади. Яъни Бухоройи Шарифга покланиб киришга эътибор оширилади. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, муқаддас жойларга инсон жисман ва қалбан покланиб кирмоғи лозим.

Офарин! Бу дилдаги гап. Яхши ният — ярим давлат. Ҳар қандай яхши ниятга фаришталар омин дейиши тайин. Балки қадимий Бухоройи Шарифнинг барча мавзелари ва зиёратгоҳлари ободонлашиб, кишилар руҳи, қалби покланиб гўзал ҳаёт қарор топар.

Бу ҳаммамизнинг ижобий ва ижодий саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Ҳайрли ишлар бошлаб юборилгани барчамизни қувонтиради. Бу ишни янада давом эттириш учун ўй-фикрларни, қалбдаги ниятларни, куч-ғайратларни бирлаштириш лозимлиги ҳеч кимга сир эмас. Келинглар, бирлашайлик. Токи, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Чор Бакр ва қолаверса уларнинг асл наслу насаби бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳлари шод бўлсин. Уларнинг руҳи поклари бизларнинг ҳаммамизни қўллаб турсинлар.

Бахшулла РАЖАБ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!

"ЎҚУВЧИ" омонати бу:

- миқдори камида 10 сўм бўлган,
- йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,
- нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,
- юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.
- "Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.
- "Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

Ташкилот Янги йил совғаларини

(Исроилдан келтирилган) пул ўтказиш йўли билан улгуржи сотмоқда. Ҳар юзинчи совға-бепул!

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 57-уй, 29-офис.
Телефон (3712) 54-77-17

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан

Тошкентдаги омбордан турли модификацияли *МАЗ* туркумидаги автомобилларни, *МТЗ* экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: *Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва уларнинг ёнилғи қурилмаларини СОТАДИ.

Нархлари завод бахосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси,140-уй.

Алоқа учун телефонлар: (3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11,54-62-43, 54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

"ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА" "АЛ-ФАРОСАТ" қўшма корхонаси

арзонлаштирилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сизга қуйидагиларни таклиф этади

— ROYAL — 125 NX,SHARPXE-A120 назорат касса аппаратларини (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан № 183 рақам билан 1995 йил 18 октябрда тасдиқланиб давлат реестрига киритилган) ёдда сақлаш қурилмаси билан арзонлаштирилган нархда:

Шунингдек, SHARPXE-A120 назорат касса машиналари векселга ҳам сотилади.

— пул ўтказиш йўли билан касса аппаратлари учун қоғозлар;

— 486 компьютерлари;

— назорат касса аппаратларини ишга тушириш, таъмирлаш ва буюртмачиларни ўқитиш;

— телефон аппаратлари, калькуляторлар, факс аппаратлари, нусха кўчириш аппаратлари, аудио ва видео кассеталари.





— 486 DX 2 — 66 компьютерларини ҳамда буюртмачининг талабига асосан бошқа турдаги компьютерларни ва турли хил техникаларни "Ал-Фаросат" фирма дўконидан ("Афросиёб") харид қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси — 41.
Мўлжал: Алишер Навоий театри қаршисида.
Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44, 33-91-92.

Дил изҳори

ҲАР БИТТАСИ БИР ДУНЁ

Мустақил юртимизда миллий қадриятлар қайта тикланмоқда. Ўзлигини англаётган миллатимиз мустақиллигимиз шарофати билан тарихни ҳаққоний ёритиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга бу тарихчи олимларимиздан катта масъулият ҳам талаб этади. Ана шу жиҳатдан олганда тарих фанининг зукко билимдони, фидойи ва заҳматкаш инсонлардан бири — Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳима Аминова олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари ғоятда муҳим ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган Раҳима Аминова тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёли, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган илк аёллардан. Опа йирик олима сифатида илмий жамоатчиликка яхши таниш, Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихига оид кўплаб тадқиқотлар муаллифи. Етук жамоат арбоби, истеъдодли олима бағри кенг, илм ва зиё таратиб келаётган, ҳаётининг ҳар бир дақиқаси мазмунли ва самарали ўтаётган ноёб иқтидор эгасидир.

Тарих ва археология институтида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган олима қирқ йилдан ошибдики, ушбу даргоҳда хизмат қилиб келмоқда. У ҳеч қачон мансаб, обрў талашмаган, катта лавозимларга ҳам қизиқмаган. Боиси илм-фанни эгаллашни у энг катта лавозим, энг юқори мансаб деб билди. Ана шу интилиш, изланишлар натижасида йирик илмий асарлар ярата олди.

Ўзбекистон тарихи фани ютуқларининг толмас тарғиботчиси Раҳима Ҳодиевна нафақат республикамизда, балки собиқ Иттифоқ, ҳатто бир қанча хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги ўртасида ўзининг чуқур билими, тафаккури, иқтидори, теран фикри ҳамда илмий салоҳияти билан ном қозонган. Ўндан ортиқ хорижий мамлакатларда ўтказилган Халқаро анжуманларда қатнашиб, муаммоли, долзарб мавзулардаги кенг қамровли, илмий теран ва юксак даражадаги маърузалар қилган.

Олима 1978 йилда Швециянинг Упсала шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон социологлари конгрессида Ўзбекистон хотин-қизлари масаласига бағишланган маърузасини инглиз тилида қилди. Бу маруза анжуман иштирокчилари томонидан юқори баҳоланганлигини, маруза юзасидан Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётига оид кўплаб саволлар берилганлигини, жаҳон илмий жамоатчилиги республикамиз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги ва берилган саволларга дадил туриб жавоб берганлигини Раҳима Аминова тўлқинлаб эслайди.

Раҳима опадаги фанга бўлган фидойилик, қилаётган ишига бўлган масъулият, тиришқоқлик, ироданинг кучлилиги кишини ҳайратга солади. Мен бундан ўн бир йил илгари ЎзР ФА Тарих институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга келган бўлсам, ундан олдин, талабалик йилларимдаёқ Раҳима Аминовага ихлос қўйгандим. ТошДУнинг тарих факультетида бизга дарс берадиган домлаларимиздан айримлари Раҳима Аминовадек йирик ва машҳур олима билан ёнма-ён ишлаганидан фахрланиб, ҳатто мақтаниб гапирар, у киши билан бир бора учрашиш ҳам катта бахт дея, бизда унга нисбатан ҳавас уйғотган эди.

Олима илм-фан, жамоатчилик ишлари билан шуғулланиш билан бирга инсон ҳаётидаги энг олижаноб бурч—фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашди. Раҳматлик академик Содиқ Азимов билан биргаликда тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Шаҳнозахон, Баҳодиржон, Динорахон ва Рустамжонлар бугунги кунда ота-оналари сингари республикамизнинг етук, тарбияли, билимдон, обрўли ва фидойи кишилари бўлиб етишдилар.

Раҳима Аминова билан бўлган суҳбатларда кўпинча устозлар тўғрисида гап кетади. «Устозларим бўлган Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов, Хадича Сулаймонова, И. Додонов, К. Житовлар тўғрисида кўп ўйлайман. Уларнинг менга кўрсатган йўл-йўриқлари, берган маслаҳатлари кейинги ҳаёт йўлимда муҳим ўрин тутди. Уларнинг ҳар биттаси бир дунё, бир олам эди. Афсус, улар бугунги мустақиллигимизни орзу қилиб армон билан оламдан ўтиб кетдилар.

Мен шундай инсонлар руҳи олдида бош эгаман. Бундай буюк инсонларни унутиб бўладими? Мен ҳам ана шундай инсонлардек бўлишга интиламан. Токи, биздан келажак авлодларга яхши ишларимиз, аъмолимиз, камолимиз, китобимиз, қобил фарзандларимизу шогирдларимиз қолсин.»!

Раҳима Ҳодиевна ўз ақлини, жисмоний кучини чамалаб кўриб, уни тўғри сарфлай билганлиги учун ҳам кўп нарсаларга эришди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг илм-фанини тараққий эттириш учун астойдил тер тўкаётган Раҳима Аминовадек фидойи олимлар бор экан, бу юртнинг келажаги порлоқ, халқи эса бой, бадавлат бўлади.

Дилором БОБОЖОНОВА,
ЎзР ФА Тарих институти докторанти, тарих фанлари номзоди.

Иқбол остонаси.

Нурмуҳаммад АЛМУРОДОВ олган сурат.

ДИҚҚАТ: АУКЦИОН!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БАРЧА ТАДБИРКОР ВА ЙИРИК САРМОЯДОРЛАРНИ НАВБАТДАГИ КИМ ОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Савдога харидоргир ва сердаромад кўчмас мулк иншоотлари бўлмиш ПАРРАНДАЧИЛИК корхоналари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари қўйилган:

1. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукусдаги замонавий, кенг миқёсли *"БЕСТЮБЕ" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 42,5 млн. сўм.

2. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги донғи кетган, эл-юртда машҳур *"ЧИНОБОД" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 29 млн. сўм.

3. Бухоро туманидаги замонавий ишлаб чиқариш учун зарур барча шароитлари мавжуд бўлган *"ВАТАН" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 14 млн. сўм.

4. Сурхондарёдаги юқори унумли ва юксак талабларга жавоб берадиган *"ЖАРҚЎРҒОН" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 12,5 млн. сўм.

5. Қорақалпоғистондаги барча қулайлик ва афзалликларга эга *"ҚЎНҒИРОТ" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 5,5 млн. сўм.

6. Бухоро вилоятидаги мўъжазгина, лекин серунум *"ҚОРАКЎЛ" ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИ.*
Бошланғич баҳоси — 2,0 млн. сўм.

САВДОГА ШУНИНГДЕК, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ 4ТА АВТОМОБИЛЛАРГА ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШАҲОБЧАСИ ҚЎЙИЛАДИ.

Булар: Чуст туманидаги *62-СОНЛИ* (бошланғич нархи 240000 сўм), Мингбулоқдаги *30-СОНЛИ* (150000 сўм), Чортоқдаги *54-СОНЛИ* (165000 сўм), Ҳаққулоблддаги *18-СОНЛИ* (305000 сўм) АЁҚШлардир.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!
САВДОЛАР МУНТАЗАМ ВА ЎЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТАДИ!
АУКЦИОНДА ҚАТНАШИШ УЧУН АРИЗАЛАР ВА ГАРОВ ПУЛЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИДА БИРДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ!

АУКЦИОН
республика кўчмас мулк биржасининг катта залида 17, 22, 24, 26 ноябрь кунлари ўтказилади.

Маълумотлар учун телефонлар:
67-22-14, 67-32-71, 68-17-55.
Факс: (3712) 67-24-63.

Спорт

СУЗУВЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

• БЕЛЬГИЯнинг Лалувье шаҳрида сузиш бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада иштирок этган республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашдилар. Навоий шаҳар кон-металлургия комбинати сузиш марказининг 10 нафар спортчисидан ташқил топган республика терма жамоаси сафардан 9 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза медали билан қайтди. Бош мураббий Виктор Петров раҳбарлигидаги сузувчилар ўз имкониятларини тўлиқ намойиш этишга ҳаракат қилишди. Мусобақада Олег Пухнатий 3 та олтин медаль олиб, совриндор бўлди. Шунингдек, Олег Цветковский, Равиль Начаев, Сергей Клешко, Максим Шилов, Вячеслав Кабанов, Дмитрий Панъков ва Александр Агафановлар ғалабага муносиб ҳисса қўшишди. Жамоамиз Европадаги 30 спорт клуби орасида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

ТАКРОРИЙ УЧРАШУВДА ҲАМ ЮТҚАЗИШДИ

• ЛАГОС шаҳрида Афро-Осиё миллатлараро кубоги учун такрорий учрашув ўтказилди.

Маълумки, Узбекистон терма жамоаси футболчилари Тошкентда Нигерия жамоасини қабул қилиб, 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришган эди. Сафар учрашувида эса вакилларимиз дарвозадан битта тўп ўтказиб юбориш билан ғалабани бой беришди. Шундай қилиб «Яшил бургутлар» деб юритилувчи Нигерия футболчилари учинчи марта кубок соҳиби бўлдилар.

«ДИНАМО» ОЛИЙ ТАБАҚАДА

• ОЛИЙ табақага берилaдиган икки йўлланмадан бирини Косонсойнинг «Кушон» футболчилари муддатидан олдин қўлга киритишгани ҳақида хабар берган эдик.

Шундай имкониятга Урганч динамочилари ҳам эришдилар. Улар сўнгги учрашувни ўз майдонларида «Маданият» жамоаси билан ўтказиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Шундай қилиб, олий табақа билан хайрлашган «Темирйўлчи» ва «Чирчиқ» жамоаларининг ўринлари тўлдирилди.

Ғаройиб олам

КОМПЬЮТЕР ОРҚАЛИ БАНКНИ ЎҒИРЛАДИ

Санкт-Петербург шаҳрилик программист Владимир Левин номи кўпчиликка жаҳон матбуоти орқали таниш бўлиб қолди. Хўш, бу йигит нима каромат кўрсатибдики, у ҳақда газеталар бот-бот ёзишса.

Маълум бўлишича «Сатурн» ҳиссадорлик жамиятида ишлаган Владимир ўз компьютери билан Нью-Йоркдаги «Интернет» йирик ахборот тизими тармоғи орқали АҚШнинг «Ситибэнк»и счётидан бир неча миллион долларни «ўмарган». Қандай қилиб дейсизми? Мана эшитинг: ҳозирги банк тизимлари ўзаро ҳисоб-китобларни тезроқ амалга ошириш мақсадида замонавий компьютерлардан фойдаланади. Шу боис у ёки бу мижоз банкдаги ҳисоб рақамидан ўз пулини компьютерлар ёрдамида ҳам олиши мумкин. Владимир Левин «Ситибэнк» компьютер сейфи ҳимоя тизимларидаги шартли белги (пароль)ларни топа билиб, унинг ҳисоб рақамидан катта миқдордаги суммани ўзига тегишли банклардаги счётларга ўтказиб олган. У бу «операция»ни бир неча бор такрорлаган. Ва кейингисида қўлга тушиб қолган. АҚШдан келган махсус хизмат вакиллари В. Левинни Санкт-Петербургдан туриб компьютер орқали навбатдаги «банк ўғирлиги»ни амалга ошираётганида ушлашди. «Ситибэнк» счётидан ўғирланган миллионлар ўша банкнинг ўзига қайтарилди. Бироқ яна 400 минг долларни қайси банк счётига «гумдон» қилганлигини Владимир ҳозирча айтиб бергани йўқ.

СОВУҚ ШИМОЛДА 15 МЕТРЛИК ИЛОН

Шимолий Грелaндиянинг Фредериксхоб шаҳрида яшовчилар эрталаб ўз кўчаларида баҳайбат илонни кўриб донг қотиб қолишди. Узунлиги қарийб 15 метр бўлган бу маҳлуқ шаҳар кўчасида бемалол юрар эди. Унинг кўзи гоҳ кўк, гоҳ қора-қизил бўлиб ёнар, оғзидан чиқиб турган узун тили эса кўпчиликни ҳайратга соларди.

Одамлар тропик мамлакатларда яшайдиган илон қандай қилиб узоқ Шимолга келиб қолганидан ҳайрон эдилар. Ҳеч ким унга тегинишга ботинолмасди. Бироқ шаҳарликлар хавфсизлигини ўйлаган полициячилар баҳайбат маҳлуқ бошини ўққа тутишганида ҳаммаси аён бўлди-қолди: «илон» — оддийгина электрон-робот экан.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

Лимон шарбати билан ювилган ёки ҳўлланган гўшт иссиқ кунда ҳам янгидек турaверади.

* * *

Мол жигарини бир сутка давомида сақлаш учун уни совуқ сувга солиб қўйиш зарур.

* * *

Молнинг жигари янада юмшоқ ва майин бўлиши учун қовуриш олдидан уни озгина сутда ушлаб туриш керак.

* * *

Гўштни қовуришдан олдин қанд талқони сепилса унда мазали қовурилган пўстлоқ бўлади.

* * *

Бисквитнинг пишганини дарров билса бўлади. Бармоғингизни бисквитга боссангиз, пишган бўлса бармоғингизни олган заҳотингиз асли ҳолига келади. Бўлмаса босган жойингиз чуқурча бўлиб қолади.

* * *

Карамга, макаронга тушган қурт-қумурсқаларни чиқариб юбориш учун шўр сувга (1 литр сувга 50-60 грамм туз) солиб қўйсангиз битта қолмай сув устига чиқади.

* * *

Идишнинг ҳидини кетказиш учун қаҳва қўйқаси ёки туз билан артиб бирпас қўйиб қўйилса бас.

* * *

Балиқ тўғралгач тахтадаги ҳидини кетказиш учун тахта билан пичоқни сиркага ҳўлланган тоза латта билан артинг. Пичоқни пиёз, лимон пўчоғи билан артса ҳам бўлади.

* * *

Майизнинг чўпини тушириш учун озгина ун билан майиз чўпини ишқалаб элак ёки галвирда эланса ҳаммаси тушиб кетади.

* * *

Олмани икки-уч дақиқа қайноқ сувга солиб қўйсангиз дарров пўчоғи шилинади.

* * *

Меъда-ичак, жигар буйрак касалликлари бор одамлар юзига доғ тушиши мумкин. Бундай одамлар кўпроқ сабзавот ва мевалар, сут-қатиқ маҳсулотлари еб туришлари керак.

* * *

Қайнатилган лавлагининг сувида сочингизни ювсангиз бошдаги қазғоқни тозалайди.

* * *

Юзингиз оппоқ бўлсин десангиз, қирғичдан ўтказилган 2 ош қошиқ шолғомга бир неча томчи ўсимлик мойини қўшасиз. Кейин уни юзингизга қуюқ қилиб суртасиз. Орадан 15 дақиқа ўтгач, юзингизни илиқ сувда ювасиз.

Маъсуда ЁҚУБОВА тайёрлади.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм"

ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги юқори самарали ва арзон дорилларни **тавсия этади.**

АЛЛАПИНИН — *пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.*

МЕДАМИН — *антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.*

ДИМЕДРОЛ — *аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.*

"АНТИ-БИТ" — *педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.*

"ИНТРОЦЕЛЛ" — *озиш учун кўмаклашади, организмдан шлакларни, оғир металл тузларини, радионуклидларни, токсинларни ва бактерияларни чиқаради, ичак фаолиятини яхшилайди.*

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — *юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.*

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

КЎКРАК СУЮҚ ДОРИСИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ — *авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.*

ФИТИН — *қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.*

АНАБАЗИН — *кашандалик хуморини пасайтиради.*

РУТИН — *гипо ва авитаминоз, диатез, бот, гипертонияни даволашда яхши самара беради.*

ТЭФЭСТРОЛ — *гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.*

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — *мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.*

Бу дорилларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан **сотиб олишингиз мумкин.**

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

Республика газетаси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г --0490.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.